Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 252 (3147)
ЖУМА
29 ОКТЯБРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Зафарларимиз — Улуғ Октябрга!

Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

БУГУН — КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КЎН

«Узбексельмаш» заводининг ёш машинасозлари «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатига актив қўшилдилар. Сўнгги икки ой ичида бу ерда тўққиз комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Зарбдор вахтага турган корхона ёшлари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишяпти.

СУРАТДА: корхонанинг илғор йиғувчи слесарлари — Иброҳим Азизов ва 5-цех комсорги Рафиқ Галиев «УПХ-1,5 «б» маркали кўран чувиш машинасини йиғишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАЪДАГА ВАФОДОРЛАР

«Главташкентстрой» 4-қурилиш трестига қарашли 19-бошқармасининг III даражали Шуҳрат ордени кавалери Ю. Содиқов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари комсомол туғилган кунини зарбдор меҳнатлари билан кутиб олишди. Бригаданинг йигирмадан ортиқ бинокорлари Академиклар шаҳарчасида қад кўтараётган рус тили ва адабиёти институти биноси қурилишини олиб боришмоқда. Бригада қурувчилари саккиз қаватли асосий корпусда ишларни тугаллаб, уни пардозловчиларга топширишди. Бу комсомол-ёшлар бригадаси шу институтнинг совуқлик маркази биноси қурилишида ҳам ишларни жонлантиришиб

Бугун

барча қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказдилар. Бригада аъзоматлари комсомол туғилган кун шарафига олган мажбуриятларини шараф билан адо этишди. Бу ютуқда М. Маслиев, М. Блохин ва И. Абдулматов сингари илғор ВЛКСМ аъзоларининг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Д. ХУГАЕВ,
трест комсомол комитетининг секретари.

ЧИДАМЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

Абразив комбинатида моқда. Халққа манзур кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Халққа манзур бўлган буюмлар тайёрлаш бу ерда ўтган йилдагига нисбатан 25 процентга кўпайди. Маҳсулот хиллари кенгайди ва сифати яхшиланди. Жумладан, корхонада ўта қаттиқ металларга ҳам ишлов берадиган олмос маҳсулоти тайёрлаш йўлга қўйилган. У айниқса автомобиль корхоналарида меҳнат қилаётган ишчилар ва автомобиль ишқибозларига қўл келмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. Н. Пономарёв бошчилигидаги КПСС делегацияси лейбористлар партияси ижроия комитетининг таклифига мувофиқ 28 октябрь куни Москвадан Лондонга жўнаб кетди.

● 28 октябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Канада ташқи ишлар министри Д. Жеймисонни қабул қилди. У. Совет-Канада иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлиги аралаш комиссиясининг биринчи сессияси иш бошлаши муносабати билан Москвада меҳмон бўлиб турибди.

● ВКП Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико дўстона — расмий визит билан шу йил 26 ноябрь ойининг бошида Болгария Халқ Республикасига боради.

Белгиланган муддатда

Тошкентдаги 2-автомобиль паркининг коллективи мамлакатимизда бу йил биринчи марта нишонладиган Автомобилчилар куни шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, паркдан фойдаланиш коэффициентини 20 процент кўпайтириб механт унумдорлигини маълум даражада оширишга эришди. Ремонтчилар автобусларни белгиланган муддатда йўлга чиқармоқдалар. Бундан ташқари иккинчи сменада ремонт хизмати ташкил этилиши ҳам анча фойдали бўлди. Яқинда паркка бир неча янги машиналар келтирилди.

Ремонтчи ишчилардан В. Костюнин, А. Шмигайлов, А. Қўрғонбеков ва бошқалар социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар.

Олимлар анжумани

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар эксперименталь биологияси илмий-тадқиқот институтида республика генетик олимлари координацион илмий кенгашининг дастлабки анжумани бўлиб ўтди.

Республика Фанлар академиясининг махсус қарорига биноан ана шу координацион кенгаш олдига республикада генетика фанига оид барча илмий ишларни бошқариш, уларни бир йўналишга мувассамлаштириш вазифаси юкланган. Мазкур илмий кенгаш составига замонамиз генетика фанининг актуал соҳалари — одам генетикаси, ҳайвонлар ва ўсимликлар генетикаси соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар жалб этилган.

Булар орасида СССР Фанлар академияси умумий генетика институтининг директори, академик Ленин мукофоти лауреати Н. П. Дубинин, москвалик машҳур олим Б. А. Стронников, ленинградлик олим Д. В. Тер — Ованесян, Ленин мукофоти лауреати, академик Е. Тўрақулов, республика Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор С. Содиков, Биохимия институти директори Ж. Ҳамидов, профессор А. Абдуллаев, СССР Давлат мукофоти лауреати С. Мирахмедов, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси М. Назиров, профессор А. Оқилов ва бошқалар киритилган.

Ана шу таниқли олимлар иштирокида бўлиб ўтган илмий анжуманда ўнинчи беш йилликда республикада генетика фанининг истиқболи, муҳим илмий масалалар юзасидан олиб бориладиган тадқиқот ишларининг плани ишлаб чиқилди.

ПАХТАКОРЛАР МИННАТДОРИ

Жиззахлик пахтакорларга Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентлари ҳам баракали ёрдам беришга интилишяпти. Улар областнинг Дўстлик районидаги 11 ва 12-совхозларда пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. Студент-ҳашарчилар кунлик нормадаги 100 килограмм ўрнига 120—150 килограммдан кўрак термоқдалар. Бунда айниқса иқтисодий кибернетика факультетининг студентларидан Н. Тиллаев, Б. Миркаримов, О. Потудинская, Л. Еремина, О. Сотволдиева ва бошқалар коллективга ўрнак бўлмоқдалар. Студентларнинг бу ғайрат-шижоатидан совхоз пахтакорлари беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

5.300.000 тонна «оқ олтин» учун

ТОШКЕНТЛИКЛАР «ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА

ҲИММАТ

Айни долзарб кунларда тошкентликлар «бизлар ҳам пахтакорларимиз!» дейишяпти. Чунки, улар республикамизнинг кенг пахтазорлари бўйлаб жавлон урмоқдалар. Пойтахт саноат корхоналари, ташкилотлар ва олий ўқув юртларининг ишчилари, ходимлари, студентлари пахта йиғим-теримида актив қатнашиб, республикамизнинг 5 миллион 300 минг тоннали улкан хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Ҳозирги кунларда Тошкент областининг Янгиюл, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районларида 7—8 мингдан ортиқ шаҳарлик юксак «оқ олтин» хирмонини яратиш ишқида тер тўкяпти.

Бугун

УЛАРНИНГ МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ТЕРГАН ПАХТАСИ 3 МИНГ ТОННАГА ЕТДИ. Пахта йиғим-теримида Чилонзор, Ҳамза, Фрунзе районларининг меҳнаткашлари ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, шанба ва якшанба кунлари оталикдаги колхоз ва совхоз хўжаликларига ёрдамга чиқиш яхши анъанага айланиб қолди. Ўтган дам олиш кунлари 14 мингдан ортиқ шаҳарлик пахтазорларда жавлон урди. Улар шу кунлари хирмонга 130 тонна пахта териб топширдилар. Мавсум бошидан бўён шанба, якшанба кунлари терилган пахта 1 минг тоннадан ошиб кетди.

Шаҳар меҳнаткашлари пахтакорларга кун сайин ёрдамни кучайтирмоқдалар.

СТУДЕНТЛАР ҒАЙРАТИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студентлари ҳам ҳозирги илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасини қимматли билиб республикамиз пахта далаларида шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Сирдарё областидаги Ильич ва Ворошилов районларида меҳнат қилаётган 4 минг 300 нафар студент терган чўл дурдонаси 1000 тоннадан ошиб кетди.

Ўзаро социалистик мусобақада Ш. Жалилов раҳбарлик қилаётган физика факультети ҳамда У. Азизов бошлиқ математика факультети теримчилари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Студентлар ҳузурида тез-тез бадиий ҳаваскорлар концерт программалари билан қатнашишяпти.

Университет «Билим» жамияти раиси Б. Мирабдуллаев бошчилигидаги лекторлар группаси студентлар ҳузурида бўлишади. Улар Бутуниттифоқ комсомол ташкилоти тугилган кун муносабати билан қизиқарли темаларда лекциялар ўқийдилар.

Халқаро мавзуда суҳбат

Испаниядаги сиёсий вазият

Шу кунларда Испаниядан олинаётган хабарлар бу мамлакатдаги сиёсий аҳвол беқарор эканлигини кўрсатади. Демократлар қамоққа олиниши билан дарҳол бўшатиб юборилятти, дейиш мумкин. Франкочиларнинг ирвогарлик ҳуружлари билан бир қаторда озодлик учун курашувчиларнинг оммавий намойишлари ҳам давом этмоқда.

Шу йил ёз фаслида қирол Хуан Карлос томонидан ҳокимият тепасига қўйилган А. Суарес ҳукумати иложи бўлган икки йўлдан бирини, яъни бир томондан шафқатсизликни кучайтириб, фашист диктатураси методларига қайтиш ва иккинчи томондан режимни аста-секин «либераллаштириш» йўлини танлаб олиш борасида қатъий ҳаракат қилишга журъат этолмаяпти. Унинг Франко давридагидек қурол кучи билан оммавий репрессиялар ўтказиш иштиҳёқи жуда катта. Аммо министрлар ва давлатнинг янги бошлиғи ўз мамлакатида фашизмга қарши, демократик ҳаракат гоят кучайиб кетганлигини билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар.

Бош министрлар яқинда сиёсий ислоҳот ўтказиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишига эришиш ниятида эканлигини билдирди. Бу ислоҳот мамлакатда кўп партияли системани ўрнатиш ва гражданлар урушидан кейин парламентга биринчи сайловни ўтказиш имконини берган бўлар эди. Тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирги вақтда тартиб-қоида талаб қилганидек, бу лойиҳа кортеслар муҳокамасига қўйилиши керак. Парламент шаклида тузилган кортеслар ҳамма аъзолари эски диктатор даврида шахсан унинг ўзи томонидан тайинланган эди.

Сўллар ҳам, ўнглар ҳам ҳукуматнинг таклифларини танқид қилдилар. Сўл оппозиция маъмурлар томонидан испан халқига бериладиган эркинликларнинг чекланганлигига эътиборни жалб этди. Дарҳақиқат, бош министр Коммунистик партия фаолиятининг расмий тақиқлашини бекор қилмаслик ниятида эканлигини яширмаётир. Демократлар эса Испания Коммунистик партиясининг очиқ шароитда ишлашига рухсат беришни парламент тартибларини жорий этиш ҳақида ҳукумат билан бундан бўён олиб бориладиган музокараларнинг зарур шарти, деб ҳисобламоқдалар.

Франкога содиқ бўлган кишилар А. Суареснинг ана шу камтар режаларини ҳам хиёнат деб билдирдилар. Улар ҳозирги ҳукумат бошлиғига ва унинг министрларига таҳдид қилдилар. Франко тарафдорлари ноябрь ойида, яъни Франко вафот этганлигининг бир йиллик кунида «Мадридга юриш» уюштиражакларини эълон қилдилар.

Аҳвол яна шу жиҳатдан мушкуллашмоқдаки, кортеслар аъзоларининг талайгина қисми ҳукуматнинг сиёсий ислоҳот тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашдан қатъий бош тортмоқда, бу лойиҳанинг кортеслар томонидан маъқулланмай туриб қонун деб эълон қилиниши Франкога тарафдор бўлган армия сафларида ғалаён бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги конституцияга мувофиқ ана шу сиёсий ислоҳотнинг ҳамма қоидаларини амалга ошириш армияга боғлиқ бўлади.

А. Суарес шу ой ичида ошаддий реакцион кайфиятдаги генераллардан бир неча кишини, шу жумладан бош министрнинг собиқ ўринбосари генерал Фернандо Сантъягони қуролли кучлар сафидан бўшатиб юборди. Аммо турли сиёсий кучларнинг ўзаро кураши кучайиб кетган бир пайтда қатъий қарорга келингани йўқ.

А. КРАСИКОВ,
ТАСС обзорчиси.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИДА

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси 27 октябрь тушдан кейин бўлди. Депутатлар 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик плани тўғрисидаги, 1977 йилги Давлат плани ва бюджети ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокараларда сўзга чиққан депутатлар КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтдилар. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган чуқур мазмунли нутқ билан гоят қизиқиб танишдилар, деб таъкидлади улар. Нутқда мамлакатнинг ички ҳаёти ва халқаро вазият тўлатўкис тахлил этилди. XXV съездан кейин партиянинг кўп қиррали фаолияти якунлари чиқарилди. Нутқда ҳозирги босқичда мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожланиши актуал масалалари юзасидан муҳим якун ва хулосалар айтилган, ўнинчи беш йилликнинг хусусиятларига сиёсий баҳо берилган. Унда КПСС XXV съездининг қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш хусусида партия билан халқ ишларининг кенг программаси кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленуми, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқоятда муҳим нутқ партиямиз ва халқимизни мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётида социалистик хўжалик юритиш методларининг афзалликларидан, омманинг меҳнат ташаббуси ва ватанпарварлиги қудратли кучидан янада тўлароқ фойдаланишга ундайди, дейишди депутатлар.

Нотиқлар ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун курашда КПСС-нинг катта ролини қайд қилиб, КПСС Марказий Комитетининг тинчлик ва социал тараққиёт учун ҳормай-толмай курашиб, совет халқининг, бутун прогрессив инсониятнинг меҳр-муҳаббатига ва ҳурматига сазовор бўлган, партиямизнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсан қилган ҳуда катта хизматини таъкидлаб ўтмоқдалар.

Музокараларда РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Н. Ф. Васильев** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У Россия Федерацияси халқ хўжалигини ривожлантириш кўлами ва суръатларини характерловчи рақамларни айтди.

Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **А. Ф. Ватченко** ўнинчи беш йилликда республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапирди.

Қозогистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Б. А. Ашимов** беш йиллик биринчи йили ўтган даврининг якунлари партия белгилаб берган программа реаллигини яққол тасдиқлади, деди.

Ўрим-йиғимининг ҳал қилувчи даврида ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикага келганлиги, унинг Олмаотада партия-хўжалик активи кенгашида берган қимматли маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари, деб давом қилди депутат, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини гоят юксалтириб юборди, ўрим-йиғимни мисли кўрилмаган қисқа муддатларда ўтказишда бебаҳо роль ўйнади. Ғаллакорлар мамлакатга, партияга, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга берган сўзлари устидан шараф билан чиқдилар.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. И. Бодюл** айтдики, беш йиллик план, 1977 йилги план ва бюджет лойиҳаларида Умуммиттифоқ ички тармоқ меҳнат тақсимотини янада ривожлантириш, республикалар, ўлкалар ва областлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтириш, уларни уйғун ривож топтириш кўзда тутилган.

Лекин, деб давом қилди нотиқ, ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда белгилаб берганидек, бизнинг ижтимоий ишлаб чиқаришимиз анча кўп маҳсулот беришга қодир. ишлаб чиқаришни бир текис ривожлантиришни таъминлаш бунинг гоят муҳим шартларидан биридир.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** сўзга чиқди.

(Ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев нутқи газетада алоҳида берилмоқда).

Ўнинчи беш йилликда иқтисодий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини анча ошириш вазифаси турибди, деди М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетининг ректори депутат **Р. В. Хохлов.**

Депутат ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун илмий иш юксак даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади. Бусиз халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш мумкин эмас. Илм-фан амалда бевосита ишлаб чиқарувчи бўлиб қолган шароитда, нотиқнинг фикрича, олий мактабларнинг юксак илмий потенциалидан ҳозирги вақтдагига қараганда анча самарали фойдаланилмоги лозим.

Депутат илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўзлаштириш йўлидаги қийинчиликлар тўғрисида гапирди.

Шу билан Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси ёпилди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

28 октябрь соат 10 да палаталарнинг мажлислар залида Миллатлар Советининг раиси депутат **В. П. Рубен** раислигида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косыгин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов, М. В. Зимянин** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессия қатнашчилари сессиялар ўртасидаги вақтда вафот этган депутатлар Я. С. Гросул ва Г. С. Дзоценидзе хотирасини ўринларидан туриб, ҳурмат билан эсладилар.

Миллатлар Совети мандат комиссияси раиси, депутат **Э. А. Шеварднадзе**нинг ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини мандат комиссияси текшириб чиққанлиги тўғрисидаги докладини тинглади.

Миллатлар Совети Эстония ССР Таллин — Марказий сайлов округидан Миллатлар Советига сайланган депутат Э. К. Окасинг ваколатини ҳамда Грузия ССР Гегечкори сайлов округидан Миллатлар Советига сайланган депутат З. А. Патаридзе ваколатини тўғри, деб топишга қарор қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Н. И. Масленников** 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида, шунингдек СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида Миллатлар Совети план-бюджет, тармоқ комиссиялари ҳамда ёшлар иши комиссиясининг қўшимча докладини қилди.

Комиссиялар беш йиллик планни, шунингдек комиссиялар айтган таклифларни ҳисобга олган ҳолда 1977 йилги планни тўла-тўкис маъқуллашни таклиф қилди.

Комиссиялар 1977 йилги план бўйича тузатишларни ҳисобга олган ҳолда бюджет даромадларини 132 миллион сўм кўпайтиришни таклиф қилди.

Сўнгра Миллатлар Советида 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани масалалари юзасидан, ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани тўғрисида, СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети ва мамлакатнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида музокаралар бошланди.

Ҳамма нотиқлар муҳокама этилаётган план ва Давлат бюджети лойиҳаларини СССР Олий Совети доимий комиссияларининг тузатишлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда маъқуллаш ва тасдиқлашни таклиф этдилар.

Миллатлар Советидаги музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Н. М. Борисенко,** Қозогистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, депутат **С. Б. Ниёзбеков,** РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат **Л. П. Лихова,** Грузия ССР Министрлар Советининг раиси, депутат **З. А. Патаридзе,** Белоруссиядаги Ленин комсомоли номли Баронович ип газлама комбинатининг йигирувчиси, депутат **В. П. Булова,** ВЦСПС секретари, депутат **В. И. Прохоров,** Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси, депутат **А. С. Суюмбаев,** Горбунов номли Қозон авиация заводининг фрезерчиси, депутат **Г. А. Ахсадуллин,** Арманистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, депутат **Г. А. Мартиросян,** СССР олий ва ўрта махсус таълим министри, депутат **В. П. Елютин** сўзга чиқдилар.

Шу сессияда совет халқи эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирилди, деди Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба-намуна хўжалигининг тракторчи-звено бошлиғи, депутат **Э. Алиев.** Бу муваффақиятлар партиянинг, партия Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг доно сиёсати туфайли кўлга киритилди.

Шу билан Миллатлар Советининг биринчи мажлиси тугади.

* * *

Соат 15 да палаталарнинг мажлислар залида Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорный, Г. В. Романов, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, К. У. Черненко, Я. П. Рябов** ўртоқларни узоқ давом этган кўтаринки қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик плани тўғрисида, СССРнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида, СССРнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида музокараларни давом эттирдилар.

СССР Олий Советининг сессияси 29 октябрда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

Коммунистнинг шахсий намунаси

Юксак номга яраша

Уни коллектив ҳурмат қилади. Бу бежиз эмас. «Главташкентстрой» ишлаб чиқариш-транспорт бошқармасининг 1-автомобиль корхонаси шофери Собир Содиқов фақат меҳнатдагина эмас, ҳўжаликдаги жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Унга ҳамкасблари катта ишонч билдиришиб, касаба союз комитетининг аъзолигига сайладилар. Бу жамоат ишини сидқидилдан адо этмоқда, коллектив ишончига яраша меҳнат қилмоқда.

С. Содиқов юк ташиш топшириқларини доимо ортиғи билан адо этмоқда, унга ўнлаб ёшлар эргашмоқдалар.

Ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида актив иш олиб борган шофер корхонада биринчилар қаторида коммунистик меҳнат зарбдори номини олган эди. Шу кунларда коммунист ўнинчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш шиори остида ишлаб, янгидан-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда.

П. СЕЛЕЗНЕВ,
«Главташкентстрой» ишлаб чиқариш-транспорт бошқармаси партия комитетининг аъзоси.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори С. Содиқов.
Автор фотоси.

Шаҳримиздаги «Узбекистон» табиий ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи мукобил план қабул қилди. Улар 810 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар. Корхонанинг бир қанча маҳсулоти Давлат Сифат белгисига тавсия этилди.

СУРАТДА: пардозлаш цехининг ишчиси Зуҳра Имомова тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда. У кунлик топшириқни ортиғи билан адо этяпти.

Беш йиллик илғорлари

МЕҲНАТ АРДОҚЛАДИ

Ҳамма нарса ёшликдан, мактаб синф хонасидан бошланар экан. Тоҳиржон Ғуломов илк бор бинокорлик касбини эгаллашга қарор қилган кезларини шундай эслайди:

— Бундан 17 йил муқаддам мен Октябрь районидаги 169-мактабни тугатарканман, қайси касбни танласам экан, инженерми ёки педагог, врачми ёки бинокор, деб ўйлаб, қатъий бирор қарорга келолмасдим. Шу хаёллар гирдобидан чиқолмай юрган кунларимнинг бирида мактабимизда меҳнат ветеранлари, шаҳримизнинг илғор кишилари билан юқори синф ўқувчиларининг тантанали учрашув кечаси уюштирилди.

Кечага турли касб соҳиблари таклиф қилинган. Улар орасида саноат корхоналарининг ишчилари, қурилиш майдонларининг пешқадамлари ҳам бор эди. Шарафли касб эгалари биз ёшларга ўз касбларининг сир-асрорлари, фазилатлари хусусида тўлқинланиб гапирдилар. Устоз бинокорларнинг сўзлари ҳаётимда туб бурилиш ясади, тарқоқ хаёлларимни жамлади, десам янглишмаган бўламан.

Ўша ҳаяжонли учрашув кечасидан сўнг қурувчи бўлишга қатъий аҳд қилган Тоҳиржон кўп ўтмай «Главташкентстрой»нинг 6-трест 32-қурилиш бошқармасида ишлай бошлади...

Ўтган йиллар мобайнида синчков, идрокли, тиришқоқ, Ленин комсомоли сафида ҳар томонлама тобланган йигит тажрибали, ишбилармон қурувчилардан ҳунарнинг нозик сирларини эринмай, қунт билан ўрганди. Яхшиларга эргашиб ўзининг меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслигини намойиш қилди. Бригада бошлиқлари, ҳозирда пенсионер Жаҳонгир Султонов, Иван Гулшенковларнинг кўрсатмалари, ўгитлари Тоҳиржонга қанот бўлди. Бугунги кунда унинг номини бригада аъзоларигина эмас, ҳатто бошқармадагилар ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Коллектив сафида Тоҳиржон коммунистик партия сафига кирди, сиёсий қарашлари ўсди, меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди.

Мана икки йилдирки, Тоҳиржон бинокорлар бригадасига етакчилик қилмоқда. У бошқараётган аҳил коллектив шу кунларда Қорақамиш массивида трамвайларни ҳаракатга келтирувчи подстанция қурилишида меҳнат қилмоқда. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» деган ватанпарварлик ташаббуси бригада аъзолари томонидан қизғин маъқулланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари белгилаб чиқилди. Трамвай йўлларини электр қуввати билан таъминлайдиган улкан подстанция биноси қурилишини йил охиригача тугаллаш бригада азоаларининг асосий шиори.

Бригаданинг Ғ. Шоисматов, Ж. Шайдуллин, Г. Ҳайдарова, М. Алихўжаева сингари ишчилари ўз топшириқларини 120 —125 процентга етказиб бажаришга эришаётирлар. Бу муваффақиятларда ишнинг қўзини биладиган, тадбиркор бригадир Тоҳиржоннинг хизматлари катта. Қалби қуриш, яратиш, шаҳримиз гўзаллигига гўзаллик қўшиш ишқи билан ёнаётган коммунист бунёдкорнинг орзулари яна ҳам чексиз. Шаҳримиз аҳолисига янги-янги замонавий муҳташам бинолар армуғон этиб, меҳнат, бахт, фаровонлик ва гўзаллик калити эканини кўз-кўз қилиш, бригада шуҳратига-шуҳрат қўшиш—унинг эзгу тилаги.

Қ. МАЛИКОВ,
жамоатчи мухбир.

- БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚНИ ТЎРТ ЙИЛДА БАЖАРИШГА БЕЛ БОҒЛАГАНЛАР
- ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА
- ЖАМОАТЧИЛИК КУЧИ БИЛАН
- ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ
- КОРХОНА ПЛАННИ НЕГА БАЖАРА ОЛМАДИ?
- ИУЛОВЧИЛАР РАНЖИШМОҚДА

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҳатлар

Дўстлик иплари мустаҳкам

ТИЛШУНОСЛАР УЧРАШУВИ

Тил яқинлиги— дил яқинлиги, дейди доно халқимиз. Яқинда жаҳон мамлакатларидаги немис тилини ўрганувчиларнинг катта илмий анжумани Германия Демократик Республикасининг Веймар шаҳрида бўлиб ўтди. Ҳ а м ш а ҳ р и м и з, Ф. Энгельс номли чет тиллар Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Шарифжон Рўзиев ўз таассуротларини шундай ифода қилди:

— Бир ой мобайнида фикр алмашув, методик семинар сифатида ўтказилган германистлар йиғинида АҚШ, Япония, Швеция, Франция, ВХР, БХР, ЧССР каби, ҳаммаси бўлиб 18 давлатдан вакиллар иштирок қилишди. Веймардаги Йена университети аудиториялари жаҳон германистларининг қизғин фикр алмашиш, илмий ва методик тажрибаларни ўртоқлашиш, янгиликларни маҳорама қилиш марказига айланди.

Ҳар бир қатнашчи нафақат ўз мамлакатимиз ютуқлари ҳақида, балки ўзи ишлаётган шаҳар ва республика ҳақида ҳам батафсил маълумот берди. Бу эса ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мен ҳам катта таассуротлар олдим. Бундай фикр алмашув келгусида таълим жараёнини янада такомиллаштириш учун катта қулайликлар, илғор методик фойда беради.

Яна шуниси ҳарактерлики, методик тажрибаларни йиғиш олимлардан ўрганишдан ташқари кўплаб ҳам фикр профессор, фан докторлари билан дўстлашдик. Ҳар биримиз ўз мамлакатимиз ютуқлари ҳақида ўртоқлашдик.

К. НОРМАТОВ.

Бир мавзудаги икки хат

КАССАГАМАС— КИССАГА

11 октябрь кеч соат тўққизга яқин «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида 71-маршрут бўйича қатнайдиган экспресс автобус келиб тўхтади. Бу автобусда на кассада билет бор, на кондуктор. Компостерларга қоғоз тиқилган. Демак, кира ҳақи, албатта, ҳайдовчига узатилади. Узатилган пулларга эса билет ҳам берилмади. 58-55 ТШП номерли бу экспресс автобус 2519-паркка қарайди.

Балки, автопарк раҳбарлари шундай кўрсатма беришгандимикин?

Н. ОМОНЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг аспиранти.

СОАТЛАБ КУТАМИЗ

Биз томонга фақат 110 маршрутдаги автобус қатнайди. Марказга тушиб-чиқиш учун роса бир кун керак. Чунки автобус кутиш учун ярим кун кетади. 25 сентябрда бўлган воқеа-ни олайлик. Шу куни эрта билан соат 7 яримдан 10 дан 5 минут ўтгунча «Пушкин» бекатида автобус кутдик. Шу куни линияга 3 та автобус чиққан, ундан 2 таси бузилиб қолган, ваҳоланки, план бўйича линияга 5 та автобус чиқиши керак.

Нега 18-автобус парки раҳбарлари йўловчиларнинг шикоятларига парво қилмайдилар?

Бўсъуб совхозида яшовчи ишчилар, хизматчилар номидан
А. ТУРАҚУЛОВ.

Талантлар кўргазмаси

ЯҚИНДА марказий кўргазмалар залида очилган республика ҳаваскор рассомлари ва халқ амалий санъати усталарининг кўргазмаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейига бағишланади.

Кўргазма меҳнаткашларнинг Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик ижоди фестивалининг 11-тури якунлари асосида ташкил этилди.

Унда республикамизнинг 300 ҳаваскор рассоми ва амалий санъат усталарининг 700 дан ортиқ иши қўйилган.

Кўргазма залларини томоша қилар экансиз, халқимизнинг ажойиб анъаналари, тинч ҳаётини тасвирловчи полотнолар, гаштли меҳнатни тараннум қилувчи асарлар диққатингизни жалб қилади.

Сурхондарёлик рассом В. Долматов «Уруш қатнашчиси» номли картинасида Ватан уруши қаҳрамонининг образини акс эттиради. Бунда фикр жангу-жадалларда тобланган кекса жангчи тинч меҳнат нашъасини сураётганини тасвирланган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли заҳматкаш Туркистон хотин-қизлари тўла озодликка чиқдилар. Фарғоналик ҳаваскор рассом Баҳовиддинов ана шу темада яратган «Туркистон хотин-қизлари Ленин билан» асарида тарихий учрашув ҳақида фикр юритади.

Самарқандлик рассом К. Қонеев «Фронтчи» деган асарида уруш қонибларидан бирини тасвирлаган. Юзларини ажин босган уруш ветерани сиймосида мардлик, ҳаётга ташналик, ҳозирги кундан завқланиш ҳисларини ўқиб олиш мумкин.

Кўргазмага қўйилган асарларнинг аксарияти пейзаж ва натюрмортлардан иборат бўлиб, уларда жонажон ўлкамизнинг ҳадсиз водийлари, серҳосил боғлари-ю, ширин-шакар мевалари, баҳайбат тоғлари, кенг пахтазорлари тараннум этилади.

Чирчиқлик Т. Тўхтабоевнинг «Тоғларда баҳор» пейзажи чуқур лиризм билан суғорилган бўлиб, унда баҳор нафаси уфуриб турган тоғлар манзараси намоён бўлади.

Фарғоналик Э. Каралиев ишлаган «Она ер туҳфаси» натюрмортида она диёрнинг бебаҳо хазиналарини кўз-кўз қилади. Халқ амалий санъати асарлари ҳам кўргазманинг каттагина қисмини ташкил этади. Риштон кулоллари, Фарғона наққошлари ишлари билан бир қаторда, Наманган дўппилари. Чуст пичоқлари ҳам ўрин олган.

Республика кўргазмаси бир ой ишлайди. Бу ижодий намойишда энг юқори баҳо олган асарлар 1977 йил март ойида Москвада очиладиган Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик кўргазмасига йўлланма олади.

Н. УМАРОВ,
Республика халқ ижоди уйи ходими.

Агрегат заводининг коллективи сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўғрич йилида кўлгина меҳнат зафарларини қўлга киритмоқда. Айниқса коллектив ютуғига 10-цех коллективи муносиб ҳисса қўшмоқда. Цех коллективи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширяпти. Еқуб Маҳкамов мазкур цехнинг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади. У раҳбарлик қилаётган участка сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: Е. Маҳкамов тайёр маҳсулотнинг сифатини кўздан кечираяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҲАМКУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

ЙЎЛ АЗОБИ

Бешқайрағоч массивидаги Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалла марказида поликлиника очиладиган бўлганида ҳамманинг оғзи қулоғига етди.

— Эшитдингизми, қўшни,— деб суюнчи олишди аёллар бир-биридан,—шундоққина уйимизнинг ёнида поликлиника очиладиган бўлибди.

— Нимасини айтасиз, тағин болалар поликлиникаси экан. Энди болаларимиз бетоб бўлиб қолса, автобусма-автобус овора бўлиб юрмаймиз.

Чиндан ҳам 16-болалар поликлиникаси маҳалла аҳлининг жонига оро кирди. Одамларнинг узоқ йўли яқин бўлди. Лекин битта нарса ҳамманинг ғашини келтирадиган бўлиб қолди. Поликлиника атрофи ўйдим-чуқур бўлиб ётганча қолаверди. Атрофида на бironта гулзор, на йўлка бор. Айниқса ёғингарчилик бошланганидан кейин аҳвол оғирлашди. Йўллар бутунлай балчиққа айланиб кетди. Шуниси ёмонки, 193-мактабга қатнайдиган кўпчилик болалар ҳам ҳудди шу ердан ўтишади. Чор атрофнинг обод эмаслиги, йўлларнинг нотекислиги фақат аҳолига эмас, поликлиникада ишлайдиган ходимларга ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Шифолаш муассасалари ҳамиша озода бўлиши керак. Лекин боласини кўтариб, балчиқ кечиб келган одамга оёғинг нега лой деб даъво қилишнинг ўзи инсофдан эмас.

«Биз бу масала юзасидан кўп ташкилотларга арз қилдик, деб ёзишибди М. Сатторова, З. Турсунова, Л. Ҳамидов сингари газетхонлар, бироқ ҳаракатларимиз зое кетяпти».

Ваъда вафоси билан, деган гап бор. Масъул ташкилотлар меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига эътибор беришлари лозим. Негаки, бу аҳволда кетса поликлиниканинг бекилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

ҲАВО БУЗИЛМАСИН

Боқи отанинг уйига меҳмонлар келишди. Улар бу ердаги уйларнинг тартиб билан жойлашганлиги, чор-атроф чиройли эканлигини мақтаб кетишди.

— «Профессорлар массиви» деганча бор экан. Уйлар бир-биридан чиройли, кўчалар бир-биридан озода.

— Мана шу уйларнинг ҳаммаси зилзиладан кейин қурилган,— деди Боқи ота фахрланиб. — Ҳали ТошМИ шаҳарчасини кўрмабсиз. Баланд-баланд бинолар худди оққушга ўхшайди. Ўн йил ичида шунча ўзгариш бўлса, яна 20—30 йилдан кейин бу ерлар жаннатга айланиб кетади, деяверинг.

— Шунақа-ю, лекин ҳавоси сал чатоқроқ экан,— деди меҳмонлардан бири бурнини жийириб.

Мезбонлар нима дейишларини билмай, мулзам бўлиб қолишди. Чиндан ҳам бутун бошли массивнинг ҳавосини тоза деб бўлмайди. Четдан келган одам дафъатан нима бўлаётганига тушунолмай, ҳайрон қолади. Лекин бу ерда яшайдиганлар ҳавони ким бузаётганини яхши билишади. Шундоққина массив биқинида шаҳар гулчилик участкаси жойлашган. Гарчанд гулнинг ўзи чиройли бўлса ҳам, бу ерга олиб келинаётган маҳаллий ўғит ҳамманинг таъбини хира қилянти. Шу ташкилотга қарашли катта ҳажмли ўрадан ҳамиша бадбўй ҳид тарқалиб туради. Бунинг устига ўғит ташилаётганида эътибор берилмагани учун ҳар доим кўчаларга ахлат тўкилиб қолади. Валн Жумаев, Нозимахоним кўчаларининг 5- ва 6-проездларида истиқомат қиладиган аҳоли гулчилик идорасига бир неча марта мурожаат қилишди. Аммо уларнинг гапи ерда қолди.

«Район ва шаҳар санитария эпидемиология станциясининг масъул ходимлари бизнинг массивга бир қадам ранжида қилишса, «анвойи» ҳаводан «баҳраманд» бўлишса, бизнинг аҳволимизни тушунишар эди», деб ёзишибди Б. Мўминов, В. Ғаниев, Х. Қўзиева, Э. Сайфуллаев сингари газетхонлар. Жами йигирма кишн имзо қўйиб юборган бу мактуб шаҳар санитария эпидемиология станцияси ходимларини чиндан ҳам ҳаракатга солиши керак. Гулчилик яхши касб, одамга қувонч бағишлайди. Лекин бировнинг қувончи бошқа бировга ташвиш келтирмаслиги керак. Бу ерда санитария қоидасини тиклаш лозим.

ҲУШЕРБЕК.

Газетхон мақтайди...

БИР ОИЛА ФАРЗАНДАРИДЕК

Бешқайрағоч массивида тўртта турар жой биноси қад кўтариб, бу ерга асосан Чорсу атрофида истиқомат қилган 200 га яқин хонадон кўчиб келиб, уй тўйларини ўтказишди. Бугунги кунда ана шу ерга ташриф буюрган ҳар бир ҳамшаҳарларимиз икки йил ичида бино атрофи кўкаламзор ва гулзорга айлантирилганлигининг шоҳиди бўлади.

Маҳаллада жамоатчилик кучи билан икки юзга яқин киши сиғадиган шинамгина шийпон қурилди. Бир оила фарзандларидек иноқ бўлган маҳалла аҳли тўй кечалари ва бошқа маросимларни ана шу шийпонда ўтказишмоқда. Турар жой бинолари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда маҳалла активларидан Кўчқор ва Обид акага ўхшаган отахонлар ташаббус кўрсатиб кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда.

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

...танқид қилади

ОҲАК ИЗЛАЙМИЗ

Эрталаб ишга отланарканман:

— Байрам яқинлашяпти, уй оқлаймиз, қайтишингизда бозордан оҳак ола келинг, — деб буюрди болаларнинг онаси.

Ишдан сўнг, кечки пайт Чорсу бозорига кирдим. Оҳак дўкони Уйғур кўчасида жойлашганини эслаб, шу кўча бўйлаб юрдим. Дорихона, сартарошлик, боққолчилик, бешкачилик, чархчилик, мисгарлик, тақачилик каби қатор дўконлардан ўтиб, кўча охирига етдим. Бироқ, оҳак дўконини учрата олмадим. Ҳайрон бўлиб, бир темирчидан сўрадим:

— Шу кўчада оҳак дўконлари ҳам бўлармиди, биродар?

— Ҳа, бўларди.

— Бугун ёпиқ кўринади, дейман?

— Йўқ, у дўконлар кўпдан бери ҳар кунн ёпиқ.

— Нега, аҳолига оҳак керак бўлса қаердан олади?

— Қўйлиқдан, оҳак дўкони ўша ерда.

Наҳотки, оҳак излаб Қўйлиққа борсак?

Шаҳар савдо Бош бошқармасидагилар бу ҳақда ўйлаб кўришса бўларди.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

НИМА ДЕЙИШАРКИН?

Ўртоғимнинг бирдан қаттиқ касал бўлиб қолиши мени ташвишга солиб қўйди. Шошганимча телефон будкасига чопдим. Тошкент Медицина институти олдида савлат тўкиб турган 6 та телефон будкасининг унисидан бунисига, бунисидан унисига ўтиб, рақамларни тердим. Лекин бу телефонларнинг бирортасидан нидо чиқмади. Аламимни ичимга ютиб, касалхонага чопдим...

Навоий кўчасидаги ярмаркалар орасида турна қатор бўлиб турган тўққизта телефон будкасининг биронтаси ишламаслиги кишини ачинтиради.

Шаҳримиз жуда гўзал. Гўё шоҳи сўзана. Лекин унда учраб турадиган бундай камчиликлар чинта ямоққа ўхшайди.

Шу чинта ямоқни ҳам шоҳи сўзанага айлантирса бўладими? Бунга шаҳар автомат-телефон станцияларидагилар нима дейишаркин?

Б. ЭГАМҚУЛОВ,
студент.

Элга хизмат — олий ҳиммат

ОДАМЛАР ХУРСАНД

Эрта тонгда почта қутисидан газета-журналларни олган ҳар бир киши беихтиёр почтальонни эслайди. Ялта кўча 17-уйда яшовчи Ю. Юсупов ҳам бугун эрталаб янги келган газета-журналларни варақлар экан, ўзича уйидагиларга мақтаб қўйди.

— Почта бўлимимиз хўп яхши ишлайди-да,— деди у.— Овора бўлиб киоскага газета-журналга ҳам бориб ўтирмаймиз. 57-алоқа бўлими ишидан ҳамма одамлар хурсанд. Барака топишсин.

Чиндан ҳам шундай. Собир Раҳимов районидаги бу алоқа бўлимига бир неча йилдан бери ёш коммунист Н. Усмонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Почта ходимларидан Қ. Юнусов, Т. Комилжонов, А. Смоленцова, Э. Березницкая ўртоқлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Улар обуначиларга хат-хабарларни, газета-журналларни ўз вақтида етказиб беришмоқда. Алоқа бўлими меҳнаткашларга ана шундай намунали хизмат кўрсатаётгани учун ҳам бу ерда ўтган йилдагидан обуначилар сони анча ортди. Ҳозиргача бўлимда 3 минг 20 сўмлик обуна қабул қилиб олинди.

Ишчан ва аҳил коллектив Собир Раҳимов районида обуна тўплаш бўйича алоқа бўлимлари қаторида энг олдинда бормоқда.

А. ҲУЖАЕВ.

ҲУШЕРБЕККА ЖАВОБ КЕЛДИ

«КАТТА АРАВА ИЗИДАН»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда Октябрь районидаги 2-магазин сотувчиси Н. Шерматовнинг харидор ҳақига хиёнат қилгани танқид этилган эди.

Октябрь райпищеторгидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали магазин коллективи ўртасида муҳокама этилди. Н. Шерматовнинг тажрибасизлиги ва савдо техникумини шу йил битиргани ҳисобга олиниб, қаттиқ танбеҳ берилди.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ҚОЛОҚЛИК САБАБИ НИМАДА?

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли тунукасозлик заводи шаҳримиздаги йирик корхоналардан бири бўлиб, халқ хўжалигига кўпгина рўзғор буюмларини етказиб беради.

Корхона маҳсулотнинг қардош республикаларнинг савдо тармоқлари ҳам кўп миқдорда сотиб олмоқда. Аммо шундай харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган завод коллективининг планни бажаролмай келаётгани кишини таажжублантиради.

Корхона тўққиз ойлик планни бажаролмади. Пландаги 5 миллион 570 минг ўрнига атиги 5 миллион 338 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Октябрь ойининг биринчи ўн кунилги ҳам ўрга бажарилди. Корхонанинг бундай плантопшириқларини бажаролмай келаётганига сабаб нима?

Аввало корхона ишчилари орасида меҳнат интизоми тубдан бўшашиб кетган, шунингдек бу ерда амалий, ташкилий ишлар ҳам олиб борилмайди, ишчилар ўз вақтида маъмурият томонидан рағбатлантирилмайди. Шунингдек, завод қошида-ги болалар боғчаси, на бирор ётоқхона бор. Бу эса ишчиларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, қўнимсизлик бор ерда меҳнат унумдорлиги бўлмайди.

Корхонанинг хомашёси билан таъминланиши ҳам нормал эмас. Маълумки, миллий халқлар уй рўзғорида кўпроқ паднис ишлатишади. Бу маҳсулотга бўлган талаб катта. Шуни ҳисобга олган корхона бу йил 600 минг дона паднис ишлаб чиқаришни планлаштирган эди. 600 минг паднисни бўяш учун 4600 килограмм турли хил бадиий бўёқлар керак бўлди. Аммо бўёқ билан таъминловчи Маҳаллий саноат министрлиги ва «Главснаб» бошқармаси 4600 килограмм ўрнига 2000 килограмм бўёқ берди, холос. Натижада, ранг-бараг бўёқлар етишмаслиги оқибатида 200 минг дона паднисни реализация қилиш имкони бўлмади. Бу эса корхона планини орқага сурди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги ўз қарамоғидаги бу корхонада содир бўлаётган мавжуд камчиликларга барҳам бермоғи ва заводни илғорлар қаторига кўтаришда барча имкониятларни ишга солмоғи керак.

А. НАБИҲЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

НСОН ҳаёти, саломатлиги, меҳнат қилиши ҳамда дам олишининг тўғри ва нормал кечиши учун табиат нақадар катта роль ўйнашини сўз билан таърифлаш қийин. Шунинг учун ҳам коммунизм моддий-техника базасини яратишда, биз унинг бойликларидан тежамкорлик билан ақл ишлатиб фойдаланишимиз лозим. Табиатни муҳофаза қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Кейинги ўн йиллар ичида Ўрта Осиёда жуда кўп қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Шунингдек, саноат корхоналари ҳам катта-катта территорияларни ишғол қилиши натижасида ноёб, эндемик ва қадимдан сақланиб келган ўсимлик намуналарини қўриқлаш масаласи ўз-ўзидан юзага келди.

Инсон янгидан-янги ер ўзлаштирар экан, албатта у бу жойлар табиий шароитини ўзгартириб, ўзи учун қулай қилиб мослаштириш ҳаракатига тушади. Оқибатда бу жойлар экологик ва бошқа шароитларига путур етади натижада баъзи ёввойи ўсимликларнинг абадий йўқ бўлиб кетиш хавфи пайдо бўлади.

Шу кеча-кундузнинг ўзида, баъзи ёввойи ўсимликлар бундан бошқа сабаблар натижасида ҳам йўқолиб кетиш хавфи остида турибди.

Бу бошқа сабаблар нимадан иборат? Ботаник олимлар кўп йиллик қузатишларга асосланиб, қуйидаги хулосага келдилар. Маълум бўлишича, табиатда кенг тарқалган баъзи ўсимликлар таркибида медицина ёки саноат учун яроқли моддалар аниқланиши билан бу ўсимлик ғоят қисқа муддат ичида кескин камайиб кетар экан.

Академик Е. П. Коровиннинг илмий ишларида келтирилишича, Тошкент шаҳри атрофида яқин-яқингача поёнсиз писташзорлар бўлган экан. Улар жуда қисқа муддат ичида... ёғоч кўмирга айлантирилган!

Худди шу сабабга кўра арчазор ўрмонлар ҳам кескин камайиб кетди. Ҳозир улар фақат сийрак ўрмонлар тарзида киши оёғи етмаган тоғ чўққиларидагина сақланиб қолган.

Ўйламасдан, баъзан эса ваҳшийларча муносабатда бўлиш натижасида илгарилари қулф урган таран дубили, маст қилувчи лагохиллус, совун илдизи, қизилмия, облепиха каби ёввойи ўсимликлар ҳозир Ўрта Осиёда ноёб ҳисобланиб, СССР Қизил китобидан ўрин олди.

Ўрта Осиё ўсимликлар дунёсининг эндемик ва қадим замондан сақланиб келган манзарали нодир турлари — лола, эремурослар, бойчечаклар, пиёзлар бундан ҳам жиддийрок хавф остида турибди.

Баҳор келиши билан Ўзбекистоннинг катта ва кичик шаҳарларида, кўча-кўй ва бозорларда лола, бойчечак сотаётган одамларни учратиш мумкин.

Лола сайрига чиқиш шаҳарликлар учун одат тусига кириб қолди. Эндиликда, Тянь-Шань ва Қозоғистон жанубидаги

▲ ЯШИЛ БОЙЛИКЛАР — БИЗГА ВА АВЛОДЛАРИМИЗГА ▲ ЁВВОЙИ ГУЛЛАРНИНГ ОММАВИЙ РАВИШДА УЗИЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛИК ▲ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ 50 НАВИ МУҲОФАЗА ОСТИГА ОЛИНМОҚДА.

яланғликларда ҳамда Дарвоза-Жилға темир йўл станцияларн яқинида бир вақтлар қип-қизил гиламдек поёнсиз ястаниб ётган лолазорлар жуда ғариб кўринади. Одамлар лола бандини узиб ёки юлиб оларкан, келаси баҳор яна кўкараберади, деган бемаъни фикрда бўлади. Аслида эса бу табиатга нисбатан ваҳшийликдан ўзга нарса эмас.

Лола аъло даражада, муваффақият билан пайванд қилинганда ҳам 100 дан 70 фоизининг қуриб қолиш хавфи бўлади. Чунки лола юлиб олинганда, унинг пиёзи банд билан юқорига суриліб қолади, натижада қобиғи қурий бошлайди.

Банди билан юлиб олинган лола кейинги йил мутлақо очилмайди. Фақат 3—4 йилдан кейингина дардга чалинган пиёз кучга кириб, лола бош кўтариши мумкин.

Ўрта Осиё ёввойи ўсимликларини ялпи қириш натижасида пиёз ва гулкосаларгина эмас, балки, табиий уруғланишга ҳам жиддий зарар етади. Шаҳар ташкарисида дам олувчилар ҳам, бундай ҳордиқ ташкилотчилари ҳам буни эътиборга олишлари лозим.

Атроф муҳитни жумладан, ўсимликларни ҳимоя қилиш масалаларига партия ва ҳукуматимиз катта эътибор бериб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Бу масалалар юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар аллақачон кучга кирган.

Ўрта Осиё ўсимликлар оламининг манзарали нодир ёввойи турларини йўқ бўлиб кетиш хавфининг олдини олиш мақсадида республика Министрлар Совети 1976 йил 23 июлда «Ўзбекистон ССРда

ЁВВОЙИ ДАЛА МУАММОСИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎРТА ОСИЁНИНГ КАМЁБ ВА НОДИР ЎСИМЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА

ўсадиган ўсимликларнинг баъзи ёввойи турларини йиғиб олишни тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғи олимларининг илмий тавсияларига асосланиб, ушбу қарорда ёввойи ўсимликларни ҳимоя остига олинган турларининг рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатда келтирилган ўсимлик турларини йиғиш, сотиш ва бошқа жойларга жўнатиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, қарорда бизнинг ўраб турган ўсимликлар оламига зарар етказувчилар жавобгарликка тортилажаги аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Ёввойи далада ўсувчи гулларни табиатдан ўғирлаб, бойиш йўлига кирган шахслар бу қарорни унутмасликлари лозим. Ўсимликлар олами ўзининг қайтарилмас гўзаллиги, кўплигига қарамай, барибир чеки-чегараси бор.

Табиатни муҳофаза қилувчи кўриқхона, заказчилик, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, боғаника боғлари ва бошқа ташкилотлар зиммасига катта вазифалар юклатилади.

Республикамизнинг шаҳар ва посёлка мактабларида асосан кўкламда «яшил патруль» ташкилотлари тузиш мақсадга мувофиқдир. Улар ёввойи ўсимликларни эгриқўл кишилардан ҳимоя қилишлари, қонунбузарларни аниқлашлари, табиатни ҳимоя қилиш ташкилотларига маълум қилишлари, матбуотга хабар беришлари мумкин.

Республика табиатни ҳимоя қилиш жамияти муҳофаза остига олинган ёввойи ўсимликлар ҳақида ҳикоя қилувчи плакатларни нашр қилишни тезроқ йўлга қўйишлари керак. Масалан, Қирғизистонда бу иш аллақачон бошлаб юборилган.

Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва институтларда табиат, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш тўғрисида тинмай тушунтириш ишларини олиб бориш фақат ижобий натижа беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғига ташриф буюрган одам планетамизнинг беш қитъасидан келтирилиб, Тошкент шароитига мослаштирилган ранг-баранг ўсимликлар дунёси билан яқиндан танишади. Айниқса, малакали мутахассис ёки экскурсовод билан боғни томоша қилган киши ўсимликлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни билиб олади. Бу ерда жуда қадим замонлардан шу кунларгача етиб келган ғоят ноёб табиат туҳфаларини ҳам учратиш мумкин.

Машҳур инглиз зоологи Жеральд Даррелнинг табиат, ҳайвонот ва ўсимликларни жондан севувчи кишиларга қарата қилган қуйидаги мурожаатини келтириш ўринлидир. «Агар атроф муҳитга тажовуз қилинаётган бўлса, қаердадир ўсимлик ёки ҳайвонлар хавф остида қолиб, бунга сенинг фикрингча етарли даражада эътибор берилмаётгандек туюлса, қўлингдан келган бутун чораларни ишга сол... Улар билан битта планетада яшаётган ва унинг эгаси бўлган биз одамлардан бошқа ҳеч ким уларни ҳимоя қилолмаслигини ёдингдан чиқарма».

Ёввойи ўсимликларга нисбатан онгли муносабатда бўлишгина уларни абадий йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолиши мумкин.

Серқуёш Ўзбекистоннинг қайтарилмас, ҳеч ерда топилмайдиган яшил бойликларини ҳимоя қилиш инсонга ва фақат шу инсонга боғлиқ.

И. В. БЕЛОЛИПОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати, Ўзбекистон Фанлар академияси табиатни муҳофаза қилиш доимий комиссияси президиумининг аъзоси.

Редакциядан

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети шу йилнинг август ойида Ўзбекистоннинг камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ўсимликларини муҳофаза қилиш тўғрисида қабул қилган қарорида район ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг саидо ва ички ишлар бошқармаларига ёввойи ҳолда ўсувчи гуллар, пиёзлар ва бошқа ўсимликларнинг сотилишига йўл қўймасликка қаратилган чора кўришларини юклади.

Ободонлаштириш Бош бошқармаси ва табиатни муҳофаза қилиш республика жамиятининг шаҳар бўлими Ўзбекистонда ўсадиган камёб ва нодир ўсимликларни муҳофаза қилиш масаласини кенг тарғиб этишлари керак.

Шунингдек, ўлкамизда ўсадиган 50 ўсимликнинг рўйхати ҳам тасдиқланган. Улар орасида биз юқорида келтирган лолалар (барча турдаги), эремуруслар. ер совун, пиёзлар билан бир қаторда шафран, анимон, чиннигул, сариқгул, мармарак, сумбул, ихрож, лимониум кабилар ҳам бор.

Геннадий СЕМЕНИХИН

ЖАСОРАТ

РОМАНДАН ПАРЧА

Қара Горелов, «ЗИМ»ларнинг бутун бир карвони аэродромга кириб келяпти — бир, икки, уч, тўрт, беш... Эҳ, бошлиқлар кўплаб келишини ёқтирмайман-да! Қани тезроқ кабиналарга кирайлик-чи.

Навбатчилар уйчасининг эшиги очилиб, остонада Иванов кўринганида улар арқон зинадан машиналар кабинасига чиқиб боришарди.

— Ҳой, йигитлар! Гарнизонда тревога!

Алёша Олег Колпаков ёрдамида парашютини тақиб, радиостанцияга симини улади. Бу ишни у вақтида қилганди, нега деганда автомашиналар карвони бошқа ёққа эмас, тўғри навбатчилар уйига қараб йўл олганди. Ефимковнинг сарғиш «Волга»си аэродромнинг чигал йўлларида бутун карвонга йўлбошловчидек энг олдинда борарди. Горелов яқинлашаётган машиналарга қизиқсиниб қарарди. Машиналар навбатчилар уйчаси олдига батартиб келишди. «Волга»дан белида қўша-қўша тасма бўлганидан беўхшовроқ кўринган ва вазмин дивизия командири шошилмай тушди-да, олдиндаги «ЗИМ»га салобатли яқинлашиб, эшигини очди. Шундан кейин новча бўйли, шимининг почаси тушнрилган, устига бўзранг плашч-пальто кийган ҳарбий киши кўринди. Алёша унинг погонидаги каттагина маршаллик юлдузини кўрди. Бу ҳарбий кишининг суратларини кўп кўргандан таниди. У Мудофаа министрининг ўринбосарларидан бири эди.

«Мана буниси қойил! — деди ичида Алёша. Машмаша энди бошланса керак».

Маршал машинадан тушиши биланоқ бошқа «ЗИМ»ларнинг эшиклари ҳам бир маҳалда ёпилди. «Машиналардан ҳар хил кўшин турларига мансуб эканликлари билиниб турган генераллар тушишди. Улар иккита авиатор, иккита артиллерист бўлиб, қолганларининг кўпчилиги умумий қўшин генераллари эдилар. Уларнинг шиналарида юқоридан пастга қараб кетган иккита қалин ва қизил чизиқ кўринарди. Маршал қаддини тик тутганча, қадамини гурс—гурс босганича навбатчилар уйчасига юрди. Ёши олтмишдан ўтганига қарамасдан оёқ олиши енгил эди. Маршал рапорт бергани истиқболига югургилаб чиққан старший лейтенант Иванов ортини очмасданоқ «вольно» деб тўхтатди. Ичкарига киргандан кейин энсаси қотгандай елкасини учириб қўйди.

— Полковник Ефимков, — деди у жиддий, — бу ер нима ўзи?

— Учувчи составининг навбатчи звеноси дам оладиган жой, ўртоқ маршал, — дивизия командири жиндай мулзам бўлиб жавоб берди.

— Бўлмаган гап, — деди маршал ортиқча баландлатиб, — йигирманчи йилларнинг қироатхонаси. Жанговар вахтада турадиган одамларга нахотки ортина бўлса ҳам шароит яратаолмасангиз?

— Бу ҳақда ўйловдим, ўртоқ маршал. Етмоламай турувдим.

— Шуғулланинг.

Маршал Горелов ўтирган самолётга қараб шошилмай кела бошлади. «Ахборот берсаммикин ё бермасаммикин? — деб хаёлидан ўтказди. Алексей. Бироқ вазият шунақанги бўлиб қолдики унинг ахборот беришига ҳожат қолмади. Генераллар қуршовидаги маршал самолётдан беш метрча нарида тўхтатида, калта қилиб:

— Бу машинада ким навбатчилик қиляпти? — деб сўради.

— Лейтенант Горелов, ўртоқ Совет Иттифоқи маршали.

— Класси қанақа?

— Учинчи. Иккинчига ўтказяпмиз.

— Бу йигитчани жанговар навбатчиликка йўлатишга ҳали бормасмиди?

(Бошн ўтган сонларда).

—Шароит мажбур қилди. Кейин таваккалчилик ҳам керак-да, — дивизия командири илжайди.

— Бироқ асосли бўлсин, — маршал жиддий қўшимча қилди.

— Бунисида таваккалчилигимиз асосли, — Ефимков бўш келмади, — лейтенантга мен кафилман.

Маршал дивизия командирига қаттиқроқ қаради. У ўзининг қаттиққўллиги ва пухталиги билан танилганидан айни пайтда дадил, мустақил фикр юритадиган, ўз фикрини ҳимоя қилишдан чўчимайдиган кишиларни ҳурмат қиларди. Бу жуссадор полковник ҳозирги дамда унга нимаси биландир маъқул келиб қолганди.

— Хўп яхши, — деди у тишининг оқини кўрсатмаса ҳам мулойимлик билан, — демак, сиз таваккалчиликни яхши кўрасиз. Мен ҳам буни ёқтираман. Шундан кейин учун... — у плашчининг енгини қайириб соатига қаради-да, гапини тугатди: — Лейтенантни нишонни кўлга тушириш учун тезда осмонга учиринг.

— Есть, нишонни қўлга тушириш учун учираман, — Ефимков унинг буйруғини такрорлаб, қирувчи самолётга югурди.

Алёша бутун гапни эшитиб турганидан моторни юргизишга тайёр турарди.

— Тезда уч, дўстим, — дивизия командири мулойим ва хотиржамлик билан деди, — ҳушёр бўл, ўзингни ҳам, мени ҳам юзимни ерга қаратма. Бошқа аэродромга кўнишга ҳам тайёр бўлиб туравер. Ҳаво қанақалигини ўзинг кўриб турибсан-ку.

— Ҳаракат қиламан, ўртоқ полковник.

Фонарь Алёшанинг боши узра оҳиста жойлашди. Қирувчи самолёт шундан кейин учиш йўлидан ғизиллаганича кета бошлади. Приборлардаги стрелка ердаги тезликни кўрсатарди. Емғир томчилари олдиндаги ойнага келиб урилар, туман рўбарўни тўсгани-тўсганди. Шундай бўлса ҳам Горелов ердаги ҳаракатни қоидасига амал қилган ҳолда вақтида тамомлаб, машинани дадил ердан узди-да, тиккасига баландлайверди.

У ҳар томондан зимзиё қоронғиликда қолган, парқув булутлар кабина ойнасига ёпишарди. Кабинани қоронғилик босганидан Алёша вахимага тушди: «Юқорику яхши, пастда булутлар орасидан йўлни қандай топиб оламан?» У ҳали нишон қаерда, қанақа, қаёқ томонга қараб кетаётганини ҳам билмасди. Унинг устига бугунги позивнойи ҳам шу чоққача ишлатган позивнойларига ўхшамас, у: «Архимед — уч» эди. У ўн минг баландликка кўтарилганида радиодан:

— «Архимед — уч», ўн иккита кўтарилинг,— деган гапни эшитди.

Орадан кўп ўтмай пастга у:

— Ўн икки бўлди, — деб ахборот берди.

Булутлар пастда қолганидан самолёт энди стратосферанинг тиниқ ва зангори бўшлиқларини тилиб борарди. Шу пақсада ерда туман ва ёғингарчилик бўлаётгани, маршални ўртага олган генераллар шамолда дийдираётганига одамнинг ишончиси келмасди.

Команда пунктидан янги курс беришди. Гореловнинг измида бўлган қирувчи самолёт компасдаги қизил чизиқ кўрсатилган рақамга то тенглашмагунча йўналишини ўзгартираверди. Шундан кейин Гореловдан чапга бурилишни сўрашди. У самолётининг бир хилда эшитилиб турган овозини ўзгертирмаган ҳолда бу маневрни ҳам бажарди. Шундан кейин ўзи пастда бўлса ҳам уни йўлга солиб турган офицер яна беш юз метр баландликка кўтарилишни, курсни ўн икки градусга ўзгартишни, юз метр пастлашни, тезликни оширишни буюрди-да, ниҳоят:

— Нишон олдимда. Ҳужум қилинг, — деб команда берди.

Горелов олдиндаги бўшлиққа зўр бериб тикиларди. Гермошлем тагидаги микрофон ричаги юзига ботарди. Пастда, ўқсимон самолётининг қанотлари тагида тарам-тарам ва бепоён булутлар денгизи ястаниб ётарди. Алёша аввалига ана шу оламда ҳеч нимани кўролмади. Нишонни кўрмай ўтказиб юборсама деган вахимага тушганидан оғзи қуруқшаб, вужуди музлаб кетгандай бўлди. У команда пунктининг кўрсатмаларига гарчи тўғри келмаса ҳам самолётининг тумшуғини сал пастга қилиб, осмонининг ўзига яқинроқ қисмини кўздан кечира қолди. «Худди ўшанинг ўзи!» деб юборди у суюнганидан. Учи ўткир, икки турбинали бомбардимончи самолёт Гореловдан пастда, унинг самолёти сояси тушадиган жойда бемалол учиб борарди. Унга офтоб тушиб турганидан кабинасининг ойнаси жуда ялтирар, бундан Гореловнинг кўзи қамашарди. Самолётининг учувчиси айёр ва тажрибали кўринар, нега деганда у шу йўл билан тез учар қирувчидан қутулиб кетаман, деб ахд қилганди. Яна бир дақиқа ўтса бормн Алексей уни кўздан кочирган бўларди. Самолёти унинг устидан ўтиб кетиб, кейинни кўрмай қолар, оппоқ булутлар орасида кўздан йўқолиши турган гап эди. Алёша енгил тин олиб, газни пасайтирди, бомбардимончи самолётдан сал кейинда қолиб, унинг ҳужумбоп масофага боришини кутиб турди-да, пастга:

— Нишонга ҳужум қиляпман! — деб ахборот берди.

— Яшанг! Ерга қайтинг! — деб буюришди команда пунктидан.

У радиостанциясини аэродромга тўғрилиди-да, командани тасдиқлаб тин олди. Энди бурилиб, булутлар орасидан чиқиш ва аэродромни мўлжалга олиш лозим эди. Самолётнинг тор кабинаси негадир исиб кетди. Горелов бурни чарчоққа йўйди. Бурилиб бўлгандан кейин самолёт тумшуғини парқув булутларга санчди. У сал қиялаб пастлаб бораркан беш минутлардан кейин аэродромнинг шимол томони кўринишини билар, уёғи эса кўл чўзса етгудай яқин қоларди. Юзидан тер қуярди «Нимага бунчалик дим!» — деб ўйларди Алёша.

Шу пайтда турбина бир ғижиллаб, увиллаганди Алёшанинг башарасига куюнди ҳиди урилди. Моторнинг кучи қирқилса ҳам ҳар ҳолда бир амаллаб ишлаб турарди. Алёша самолётининг мазаси қочганига ишонмаса ҳам тобора пастлаб бораверди. У қирувчи самолётининг кетидан қора тутун чиқиб бораётганини кўрмаса ҳам прибордар ўт кетганидан хабар беришарди. Гермошлем тагидаги ер билан алоқа қиладиган ричаглар илондай совуқ эди. Приборлар тахтаси бўзарган, сирелкалар кўзига қўша кўринарди.

— Тутун! — Алёшанинг қуруқшаган лабларн шивирлади.

Пастдан Ефимков жаҳл билан сўради:

— «Архимед — уч» нимага индамайсиз? Қабул.

— Мен — «Архимед — уч», — Алёша бирдан хириллаб қолган овозини очишга ҳаракат қилиб деди. — Самолёт ёняпти. Моторни ўчириб қўйганман. Йўл очиб қўйинглар. Қабул.

(Давоми бор).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Социализм мамлакатларида

ЯНГИ «ШКОДА» СИНОВДАН ЎТМОҚДА

ПРАГА. Праганинг Старомест майдонида синаб кўриш учун «30 кунда 30 минг километр» йўлни муваффақиятли босиб ўтган «Шкода 120» янги енгил автомашинасини юзлаб автомобиль ишқибозлари кутиб олдилар. Машина ишлатиш учун яхши сифатларга эга эканлиги, ўзининг кучли двигатели, кузовининг яхшиланган шакли, салоннинг кўркам ва қулайлиги билан илгари чиқарилган «Шкода»ларга қараганда фарқ қилишини кўрсатди. Синов натижаларини Млада-Болеслав шаҳридаги «Шкода» автомобиль заводи мутахассислари томонидан пухта анализ қилиб чиқадилар. ЧССРда ҳаммага манзур бўлиб қолган мана шу кичик литражли янги машина бу ерда биринчи бўлиб синаб кўрилди.

КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

ВАРШАВА. Польша Фанлар академиясининг қарорига мувофиқ Польша Халқ Республикасида космик тадқиқотлар маркази — махсус илмий-текшириш муассасалари тузилади. Польшанинг «Интеркосмос» программасини бажаришда тобора активь қатнашаётганлиги, яқин орада совет космик кемалари ва орбитал станциялар экипажларига бошқа социалистик мамлакатлар гражданларини ҳам қўшиш мўлжалланаётганлиги шундай институт ташкил этилишини тақозо қилди. Космик тадқиқотлар марказининг иши билан ҳозирнинг ўзидаёқ Польшадаги бир қанча етакчи институтлар, шу жумладан, астрономия, ядро тадқиқотлари, физика, геодезия ва картография институтлари қизиқиб қолдилар.

СССР дарё флоти учун

СОФИЯ. Русе шаҳридаги И. Димитров номли кемасозлик ва кема ремонт заводининг коллективи 5 минг тонна ҳажмли янги танкерни қуриб сувга туширди. Кема юргизиб синаб кўрилгач, СССР дарё флотига қўшилади. Шу йил Русе кемасозлари СССР учун турли вазифаларда ишлатиладиган 30 та кема қуриб беради лар.

(ТАСС).

«ҚОЙИЛ ҚОЛДИМ»

ДОРУС-САЛОМ. Икки қитъадаги 60 га яқин мамлакат вакиллари Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчиларининг яқинда Тошкентда ўтказилган биринчи учрашувида қатнашди. Учрашувнинг асосий ҳизмати шундаки, у ёзувчилар ва маданият арбобларининг ёш давлатлар ҳаётидаги ролини аниқ белгилаб олишга ёрдам берди. Танзания кутубхона хизмати директорининг ўринбосари, Тошкент анжуманининг қатнашчиси Чарльз Иломо ТАСС мухбири билан суҳбатда шу гапларни айтди.

Африка ёзувчилари ва маданият арбоблари, деди у, халқнинг янги жамият барпо этиш учун олиб бораётган курашида шу халқ билан бир сафда боришлари керак. Улар янги ғоя ва янгн онгни шакллантиришда ижтирок қилишлари лозим. Ёзувчиларнинг ижоди ривожланаётган мамлакатларда маданий ва социал ўзгаришларни амалга оширишга катта таъсир ўтказади.

Ч. Иломо сўзини давом эттириб, бундай деди: Совет Иттифоқига қилган сафаримдан мен жуда яхши таассурот олганлигимни айтмай ўтолмайман. Бу — СССРга иккинчи марта қилган сафарим бўлса ҳам, совет кишиларининг барча соҳаларда эришган муваффақиятларига янада қойил қолдим.

Ч. Иломо суахили тилида нашр этилган ва ўзи Москвадан олиб келган бир неча китобни кўрсатади. Совет ноширлари, дейди у, «китоб қаҳатчилиги»ни йўқотишга ёрдам бераётганлиги учун уларга ташаккур изҳор қилишни истайман.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОННИНГ ЗИРАВОРЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг оламга машҳур зираворлари чет эл бозорларида тобора чаққон кетмоқда. Зиравор экспорти давлат хазинасига чет эл валютасида катта-катта даромад келтирмоқда. Утган молия йилида зиравор экспорт ҳажми ундан аввалги йилга нисбатан 73 миллион рупия кўпайди ва 700 миллион рупияга етди. Муруч, долчин, кардамон айниқса мазур бўлмоқда.

(ТАСС).

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

ПАРИЖ. Маҳаллий обзорчиларнинг фикрича, тушкунлик, инфляция, ишсизлик ҳозирги вақтда Франция экономикасига хос хусусият бўлиб қолди.

1976 йилнинг бошида савдо-саноатнинг бир-мунча жонланганлиги узоқ давом этмади. 1974—1975 йиллардаги чуқур иқтисодий танглик оқибатларини бартараф қилолмади.

Танглик металлургия саноатига яна жуда оғир таъсир кўрсатди. Бу саноатда буюртмалар қарийб икки баравар қисқарди.

Авиация саноати ва машинасозлик кам буюртма олди. Авиация саноатига берилган буюртмалар шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 24,3 процент камайди. Электр ускуналар, пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек автомобилсозлик саноати тобора катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

КЕСКИН НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

БОГОТА. Колумбия оппозиция миллий иттифоқи Куба контрреволюционерлари Марказий разведка бошқармаси раҳбарлигида Куба халқи ва революцион ҳукуматига қарши бошлаган террор кампаниясини кескин қоралади. Колумбия Коммунистик партияси ва оппозиция миллий иттифоқига қўшилган Колумбиядаги кенг ҳаракат партияси ва бошқа партиялар вакиллари имзолаган баёнотда яқинда Куба авиация кампаниясига қарашли самолётда контрреволюцион унсурлар уюштирган портлатишга қарши кескин норозилик билдирилди. Шу портлатиш натижасида самолёт экипажининг аъзолари ва пассажирлар ҳалок бўлган эди.

(ТАСС).

Узбекистон ССР Геология министрлигининг геология, нефть ва газ конлари разведкаси институтида янги конларни қидириш юзасидан бир қатор муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: институт катта техниги Тамара Николаевна Аюпова «Дериватограф» прибори ёрдамида термотароз усули билан тадқиқот ўтказмоқда.

Ю. Трубников ва Н. Шоинғомов фотоси.

ҲАМ ЎҚИЁТГАНЛАР, ҲАМ ЎҚИТАЁТГАНЛАР УЧУН

Низомий номли Тошкент педагогика институтининг коллективи «Мактабгача педагогика билим юртлари учун рус тили» деб аталган янги дарслик яратди. Рус тили ва адабиётидан ўқитувчи кадрлар тайёрлаётган ана шу олий ўқув юртининг педагоглари ўқитаётганлар учун ҳам, ўқиётганлар учун ҳам дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишга катта эътибор бермоқдалар.

Институт педагоглари бир қанча дарсликлар, ўқиш китобларининг, мактаблар, педагогика билим юртлари ва олий ўқув юртлари учун кўпгина қўлланмаларнинг муаллифларидир.

ҚАДИМГИ ХЕВАДА ЯНГИ ЗАВОД

Қадимги Хевадаги янги корхона — бадиий керамика буюмлари заводининг виставка залида сопол сервизлар, ҳайкалчалар, ажойиб нўзача ва пиёлаларни, афсоналардаги қаҳрамонларнинг қабартма тасвирларини кўрасиз.

Завод муддатидан икки ой аввал ишга тушди. Ҳар йили у бир миллион сўмлик маҳсулот бериб туради. Корхонада хевалик усталар, Тошкент театр-рассомчилик институтини, Миргород керамика техникумини, бошқа санъат билим юртларини тамомлаган нишлар ишлаяпти.

(ТэТАГ).

Ёш техниклар муваффақияти

Республика марказий ёш техниклар станцияси учун 1976 йил ёйиқса катта муваффақиятлар йили бўлди.

Мана шулардан бир шингил. Бутуниттифоқ ёш техниклар кўригида голиб чиққан ўзбекистонлик ёшлар СССР Маорриф министрлигининг 1-даражали дипломини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, ушбу кўрикда яхши иштирок этганлиги учун Тошкент области ва шаҳри, ҳамда қўқонлик ёш ижодкорлар дипломлар билан мукофотландилар. Радио-механика конкурсида тошкентлик ўқувчи И. Файзуллаев, қўқонлик О. Маюров ва Тошкент областидан Т. Исмоиловлар биринчи ўринни эгаллашди.

«Пионерская правда» газетаси совриии учун Пермь шаҳрида бўлиб ўтган ёш техниклар шахсий биринчилигида ўзбекистонлик вакиллар фахрли 3-ўринни олдилар. Бундан ташқари В. Умаров бошқараётган ёш астрономлар тўгарагининг аъзолари Н. Аъзамов ва С. Имшенецкийлар Бокуда бўлиб ўтган слётда Москвадаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг 1-даражали дипломи билан мукофотландилар.

Республика ёш техниклар станциясида яқинда электрон-автоматика, ҳамда миллий музика асбобларн тўгараклари ташкил этилди.

Н. ОТАХОНОВ.

3 Тошкент бет. оқшоми
29 ОКТЯБРЬ, 1976 й.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг таълим хўжалигида ҳар бири 30 гектарлик иккита далага пахтанинг бир нави, айни бир хил қалинликда экилди. Буларнинг ҳар иккаласи агротехника жиҳатидан баб-баравар парвариш қилинди. Аммо биринчи даладаги пахта иккинчисидан деярли бир ҳафта барвақт етилди ва гектар бошига 8 центнер кўп ҳосил берди. Сабаб?

Биринчиси — эксперимental дала эди. Институт қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг ходимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институти гелиофизика лабораториясининг олимлари билан биргаликда чигитни эрта ва дуркун ундириб олиш учун қуёш энергиясидан энг самарали фойдаланиш соҳасида кенг миқёсда тадқиқот олиб бордилар.

Одатда чигит яхши текисланган, сайхон ерга экилади. Чигит тупроққа ташланганидан кейингина суғориш эгатлари олинади, қаторлар ҳосил қилинади. Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг тажриба даласида бу ишлар бошқача тартибда бажарилади. Авval бошида механизаторлар тароқ тарзида қаторлар ҳосил қилишади, сўнгра ерга чигит ташлашади. Унда тароқнинг офтобга қараган қияроқ тарафига чигит экилади. Шунда чигит қуёш ҳароратига мириқади. Кўкламнинг ҳар куни да бу қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг таълим хўжалигида экспериментни давом эттириш учун катта ер массиви ажратиб берish белгиланди.

(ЎзТАГ).

мумкин бўлади.

Институтда чигит экишнинг янги агротехникасига мослашган машиналар вужудга келтирилди. Тароқсимон қаторлар ҳосил қилиб берадиган қурилмаларнинг ва сеялка қўшиладиган иш органларининг намуналари тайёрланди, культиваторга ҳам тегишли мосламалар ясалмоқда.

Кўкламга чиқиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг таълим хўжалигида экспериментни давом эттириш учун катта ер массиви ажратиб берish белгиланди.

«КУЗ ЯПРОҚЛАРИ».

Ю. Трубников фотоэтюди.

Билиб қўйган яхши

СОПОЛ ИДИШДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ

Сопол идишдан рўзғорда кенг фойдаланиш мумкин. Жумладан, сопол лаганда палов ейиш, товоқда қаймоқхўрлик қилиш, сопол хурмачаларда қатиқ увитишнинг ўз гашти бор. Айниқса, мош, ловия ва нўхат каби дорлар сопол кўзаларда яхши сақланади. Лекин сопол идишларни, сирланган сопол буюмларни ишлатишдан олдин сирка солинган тузли сувда яхшилаб қайнатиб олишни унутмаинг.

Сопол буюмларни ишлатгандан кейин совунли иссиқ сувда ювинг, ўтин кули ёки майда қум билан ишқалаб тозаланг.

Баъзи оилаларда ёғ (мой)ни сопол хумларда сақлашади. Бу ҳам яхши. Аммо ёғни сопол идишда узоқ вақт сақлаб бўлмайди, чунки мойга ёқимсиз ҳид уриб қолади.

ФУТБОЛ

ТЕРМА КОМАНДАНИНГ БИРИНЧИ «ЙИҒИНИ»

Тренерлар Н. Симонян ва Ю. Седов раҳбарлигидаги СССР терма командаси футболчилари Москвада биринчи машғулотлар ва икки томонлама ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Лужники стадионида ўтказилган бу матчда қизил майкалик спортчилар «оқлар»ни 2:1 ҳисобида енгишди.

Ғолиб команда составида: Астаповский (ЦСКА), Круглов («Торпедо»), Швецов ва Ольшанский (иккови ЦСКАдан), Ловчев («Спартак»), Тарханов (ЦСКА), Максименков («Динамо», Москва), Колотов («Динамо», Киев), Оганесян («Арарат»), Чесноков (ЦСКА), Блохин («Динамо», Киев). Круглов ва Блохинни Новиков («Динамо», Москва) ва Гришинлар («Торпедо»)лар алмаштиришди.

Мағлуб команда составида Радаев (ЦСКА), Бережной («Динамо», Киев), Пригода («Торпедо»), Бубнов, Паров, Якубик, Гаврилов ва Маховиков (ҳаммаси — «Динамо» (Москвадан), Филатов («Торпедо»), Слободян («Динамо», Киев), Назаренколар (ЦСКА) ўйнашди. Гаврилов ва Назаренколарни кейинчалик Казаченок ва Гершкевичлар (иккови— «Динамо» Москвадан) алмаштиришди.

Тўпларни Назаренко, Тарханов ва Колотовлар киритишди. Терма командaнинг биринчи машғулотларига Тбилисининг «Динамо» командасидан Хинчигашвили, М. Мачаидзе ва Кипиани, уларнинг киевлик командадошлари Коньков ва Веремеев ҳамда Донецкнинг «Шахтёр» командасидан Горбунов ва Соколовскийлар таклиф қилинди.

Январь ойининг ўрталарида СССР терма командаси футболчилари Венгрия ва Греция командалари билан апрель ва май ойларида ўтказиладиган Жаҳон чемпионати саралаш матчларига тайёргарликни давом эттиришади.

БИЛАСИЗМИ?

▲ Жаҳонда қаламларнинг қарийб 370 ҳар хил типлари ва турлари 70 дан зиёд рангда ва 18 та қаттиқлик босқичида ишлаб чиқарилади. 1,25 сантиметр узунликдаги жажжи қаламлардан тортиб 3 метру 60 сантиметр баландликдаги қаламлар ҳам бор. Оддий қаламда қарийб 60 километргача узунликка чизиқ тортиш ёки қарийб 500.000 та сўз ёзиш мумкин.

▲ Бир тонна пўлат ишлаб чиқаришга қарийб 270 тонна сув сарфланади.

▲ Биринчи атом электр станцияси СССРда қурилган. У 1954 йили ишга туширилган.

▲ Француз математиги ва физиги Пьер Бугер ўн беш ёшида Париждаги олий мактабнинг профессори бўлган эди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

☆ Ҳозирги замонавий ҳаво ҳўплагичлар 1901 йили инглиз инженери Сесил Бут томонидан яратилган ўз ўтмишдошига сира ҳам ўхшамайди. Бут пилесоси шундай қурилмадан ташкил топган эдики, уни иккита от аранг жойидан қимирлатарди. Мижознинг уйи олдига келингандан сўнг ишчилар 250 метр узунликдаги шлангни ёйишиб, унинг бир учини хонага олиб келишар, кейин эса двигателни юргизиб юборишарди. Шундай қилиб, қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон билан уйдаги анжомларни тозалаш бошланарди.

☆ XV аср охири ва XVI аср бошларида китобга энг биринчи вергуллар қўйила бошланган. Унинг муаллифи — венециялик нашир Альд Мануций бўлган. У нашр этиладиган китобларга боблар қўйишни ҳам жорий этган киши ҳисобланади.

☆ XVII асрда чиқарилган хитой қомуси энг кўп саҳифага эгадир. Унинг 853450 саҳифаси бор. Энг митти китоб эса 1896 йили Падуя (Италияда) чоп этилган. Жажжи китобнинг аниқ катталиги 16x11 миллиметрни ташкил этади. Унга Галилейнинг хати битилган. Бу рекорд ҳам ортда қолди. АҚШ конгресси кутубхонаси 0,62 квадрат сантиметр катталикдаги китобни сотиб олди. Унда бор-йўғи 11 саҳифа битилган.

Мусобақалар бошланди

БУГУН Тошкентда «Комсомольская правда» газетаси совғаси учун ГТО кўпкураши бўйича Бутуниттифоқ биринчилиги финал учрашувлари старт олади. Бу анъанавий байрамга олдиндан катта тайёргарлик кўрилди. Спортчиларимиз мустақил жисмоний машғулотларда ўзларининг қанчалик эпчил ва абжир эканликларини қайта-қайта синаб кўришди. Бу ишда уларга устоз-тренерлар яқиндан ёрдам беришди, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтишди. Хуллас, бир сўз билан айтганда спортчиларимиз бу кўрикка яхши шайланган ҳолда келишди.

ГТО кўпкураши мусобақалари мамлакатимизда ўтказиладиган энг оммавий спорт туридир. Чунки, ГТО кўпкураши мусобақаларида кўп миллионли физкультурачил а р и мизнинг катта армияси иштирок этишади. Улар орасида спортнинг бу оммавий турига ўн йил, ҳатто қирқ йилдан бери қатнашаётганлари ҳам тошилади. Улар ҳамиша «кучлилик ва чаққонлик», «спорт смена-си», «куч ва жасурлик», «тетиклик ва соғломлик» шиорлари га амал қилган ҳолда майдонга тушадилар.

Финал учрашувларида барча иттифоқдош республика, Москва, ва Ленинграддан келган 450 дан ортиқ спортчилар иштирок этишади. Монреалда ўтказилган Олимпиада қаҳрамонлари фахрий меҳмонларимиз бўлишади. Чунки, улардан жуда кўпчилиги ўзларининг дастлабки йўлларини спортнинг ана шу туридан бошлашган.

Меҳмонларга энг яхши спорт базалари хизмат қилади. Марказий «Пахтакор» стадионида енгил атлетика кўпкураши ўйинлари ўтказилади. Сузувчилар ва отувчилар учун Армия спорт клуби бассейни, «Динамо» ва ДОСААФ отиш тирлари топширилади. Мусобақаларда республикамиз ва бошқа республикалардан келган жуда кўплаб судьялар бригадаси иштирок этишади.

Спортчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун ҳам план ва тадбирлар белгилаб қўйилган. Улар Ўзбекистон пойтахти билан танишадилар, концертларда бўладилар, илғор пахтакор хўжаликларнинг меҳмони бўлишади.

ГТО кўпкураши мусобақаларида жисмоний тайёргарликни ҳар томонлама ривожлантириш учун бир имтиҳон ҳисобланади. Тўрт босқичда ўтказиладиган бу мусобақалар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда муҳим бир босқич вазифасини ўтайди. Масалан, республикамизда ГТО кўпкурашининг фақатгина биринчи босқичи мусобақаларида 1 миллион 200 мингдан ортиқ физкультурачила р н и н г қатнашганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол далили бўлади. Шу вақт мобайнида ГТО нишонини 6181 киши олишга муяссар бўлди.

ГТО кўпкураши мусобақаларида қатнашадиган Ўзбекистон терма командаси составида республика биринчилиги финал учрашувлари ўтказилган Наманган шаҳрида аниқланган эди. Биз командамизга оғир ва масъулиятли учрашувларда муваффақиятлар тилаймиз.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 30|X да **Князь Игорь**, 31|X да **Золушка** (кундузи), **Испан миниатюралари** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —29|X да **Беш кунлик нуёв**, 30|X да **Фақат ақл сотилмайди** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревю гастролари** (19.30).

КИНО

29 ОКТЯБРДА

Қирол Нью-Йоркда — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (18, 19, 21), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ғолиб— «ВОСТОК» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ужар қизнинг қуюлиши —«ҚОЗОҒИСТОН» (20).

Дарёнинг нариги соҳилида (17, 18.30), **Уларни кўрганда танир эдилар...** (19);— ҲАМЗА номли.

Халқ романи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

30 ОКТЯБРДА

Қирол Нью-Йоркда — «ЧАЙКА» (14, 18.20, 20, 21.45), «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12, 13, 17, 18, 19, 21), «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғолиб— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «НУКУС», «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Уларни кўрганда танир эдилар (11, 15, 19), **Дарёнинг нариги соҳилида** (13, 17, 18.30); — ҲАМЗА номли.

Жаҳон бўйлаб 80 кун — «ЧАЙКА» (11.30, 16), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Халқ романи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ужар қизнинг қуюлиши — «ҚОЗОҒИСТОН» (14, 15, 20).

«САМАРҚАНД» ЧОЙХОНАСИ

ЯНГИ ЧОЙХОНА АНА ШУНДАЙ НОМЛАНАДИ. ПИРАМИДА ШАКЛИДАГИ ГУМБАЗЛИ БУ БИНО ЎЗИГА ХОС ЖУДА ОРИГИНАЛ ВА АРХИТЕКТУРА ЖИҲАТДАН ҚАЙТАРИЛМАСДИР. БИНО ЗАЛЛАРИ МИЛЛИЙ УСЛУБДА, ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚ УЙМАКОРЛИК САНЪАТИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА ЖИҲОЗЛАНГАН БЎЛИБ, ЯГОНА БИР ГЎЗАЛ АНСАМБЛНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЗАЛЛАРНИ БЕЗАШДА АНЪАНАВИЙ МИЛЛИЙ РУҲДАГИ УЙМАКОРЛИК ВА НАҚҚОШЛИК САНЪАТИДАН УСТАЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИЛГАН.

«Самарқанд» чойхонаси— квталигни жиҳатдан Тошкентда ягонадир. У бир вақтнинг ўзида 500 дан ортиқ кишини жойлаштира оладн. Бинонинг биринчи қаватида оқсоқоллар учун чойхона жойлашган. Қимматбаҳо гиламлар, даврa қуриш учун қулай хонтахталар, чиройлн чой сервизларк, барча зарур маданий ва маиший хизмат бу чойхонанн кекса ёшли кишиларнинг роҳатланиб ҳордиқ чиқарадиган масканларидан бирига айлантирган. Бу ерда бир пиёла аччиқ чой устида ширин суҳбат қурнб, турли мавзуларда баҳс юритиш ҳамда кўнгилли дам олиш мумкин.

Бинонинг иккинчи қаватида учта катта зал мавжуд. Агарда сиз миллий таомларнинг ишқибози бўлсангиз, ана шу заллардан бирига кириб тамадди қилишингиз мумкин. Сиз унда шўрва ёки ҳақиқий ўзбекча палов, лағмон ёки мампар буюра оласиз...

Ҳар қандай тантаналарни —тўй, туғилган кун, юбилейларни сиз банкет залида нишонлашингиз мумкин. У сизнинг ҳамма меҳмонларингизни жойлаштира олади.

ЯНГИ «САМАРҚАНД» ЧОЙХОНАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Унда Сиз лаззатланиб ва тўйиб овқатлана оласиз. Чой ичиб, яхши ҳордиқ чиқарасиз.

Адрес: Самарқанд—Дарвоза кўчаси (34, 43, 32-автобусларнинг, «Самарқанд— Дарвоза кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ
«УЗТОРГРЕКЛАМА».

ТЕЛЕВИЗОР

29 ОКТЯБРЬ —ЖУМА
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТУҒИЛГАН КУН

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСР халқ рассоми Ю. Кугач. 18.30 «Москва ва москвaликлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ нотолар». 19.30 «Терентий Семёнович Мальцев ҳикоя қилади». 20.15 Духовой оркестрлар концерти. 20.45 «Сўз—СССР Олий Советининг депутатларига». 20.55 «Бу қулоқсиз ўғиллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Совет қўшиқлари ёш ижрочилари Бутуниттифоқ конкурсининг якунловчи концерти. Ғалаба олиб кўрсатилади. 23.50 «Мураккаб йўллар». Кўп кунлик велосипед пойгаси бўйича СССР чемпионати ҳақида. 00.05 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Туғилган кунинг билан, комсомол!». 19.00 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал. 19.30 «Комсомол ёшлигим». Телевизион ҳужжатли фильм. «Ўзбектелефильм»и (рус.). 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.00 «Куз оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Пахта —дўстлик рамзи». Кўрсатувни безувчи Раҳмат Файзий олиб боради. 22.00 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Пахтазор— мардлар майдони». 22.45 Пахтакорлар учун концерт. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент нўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 19.35 «Қизиқарли математика». 20.05 «Янги урф-одатлар — турмушга». 20.30 Тошкент янгиликлари. 20.45 Ўқитувчилар учун консультация. 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия.

30 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «АВВГДейка». 11.00 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.30 «Бу қулоқсиз ўғиллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.35 «Тонгги почта». Музикали программа. 13.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 13.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Сумбул сочли гўзал Варвара». Бадиий фильм. 15.00 Илмий-оммабоп фильм. 15.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 16.15 В. Асафьев. «Богчасарой фонтани». СССР Иттифоқи Большой театри солистлари ижросида балетдан саҳналар. 16.30 «Здоровье» илмий оммабоп программаси. 17.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) —«Спартак». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Тапаффус пайтларида—«Спортлото» тиражи ва янгиликлар. 19.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.00 «1976 йил қўшиқлари». 20.30 «Экранда Ч. Чаплин иштирок этган фильмлар». «Мейблнинг оилавий турмуши». «Тирикчилик учун». «Тун соат бирда». 21.05 Ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр»— «Торпедо» (М). 2-тайм. Днепропетровскдан олиб кўрсатилади. 22.45 «Санъат устaлари». СССР халқ артисти Ф. Раневская. 00.15 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.05 Кўрсатувлар программаси.10.10 Янгиликлар. 10.20 Телевизион миниатюралар театри. 11.00 «Волгоград диёрида» (рус.). 11.30 «Шеърият мухлисларига». 11.40 РСФСР санъат устaларининг концерти. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади (такрорий кўрсатув). 14.40 «Комсомольская правда» газетасининг совринлари учун ГТО кўпкураши комплекси бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «До-ре-ми-фа-соль»... Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.30 «Ота-оналар университети» (рус.). 19.05 «Советский воин» тележурнали (рус.). 19.55 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.10 Москва Давлат эстрадасининг солисти Зулайҳо Оқилова рақсга тушади. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Куйлаңг, ёш хонандалар». Ёш ижрочиларнинг телевизион конкурси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор— мардлар майдони». 22.10 Пахтакорлар учун концерт. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Душанба кўрсатади. 17.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тили да:** 17.05 «Пионер» студияси кўрсатади. 17.30 Болалар учун кинофильм. 18.30 «Здоровье» программаси. 18.55 «Янгиликлар». Информацион программа. 19.15 Москва. «Правда» газетаси. нинг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларда. ги суҳбати. 20.00 Мультфильм. **Тожик тилида:** 20.15 «Ахбор». 20.35 «Пахтакорларни мадҳ этамиз». 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети
124-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—77 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

иш юритишни ва архив ишларини биладиган кенг профилдаги стенографистка-машинистка, иш юритишни ва архив ишларини биладиган кенг профилдаги секретарь-машинистка.

Чизмачи-конструктор. **Ўқиш муддати**— бир ярим йил.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшайдиган ҳамда Ўзбекистон областлари ва районларидан йўлланма билан келган ўрта маълумотли, 17 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ётоқхона берилмайди.

Ўқувчилар 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Бидим юртини тугатганлар министрликларга, идораларга, партия ва давлат органларига, илмий муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилади.лар.

Стенографистка-машинистка мутахассислиги учун ўқиш муддати — 2 йил; секретарь-машинисткалар учун — 1 йил.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика, паспорт, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Кирувчилар — рус тилидан (диктант) имтиҳон топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри — 84, Киров район, Хуршид кўчаси, 45-уй, (9, 51, 60, 72-автобуслар, 2, 16, 25-трамвайларнинг «Геологоразведка» ёки «Ғалаба боғи» бекатлари. «Семашко» шифохонаси қаршисида).

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ | 29 ОКТЯБРЬ, 1976 й. | «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета | Р—03652. | БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. | ИНДЕКС 64579. | Нашр В— 3225. | ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.